

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

МЕХНАТ ФАРОВОНЛИК КАЛИТИДИР

2006-yil 2-mart Payshanba 26 (27.518) www.uzbekistonovozi.uz 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»

БОЛАЛАРНИНГ БЕГОНАСИ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»га бағишлаб қатор тадбирлар ўтказмоқда. Улардан бири М.Тошмухамедов номидagi Қашқадарё вилоят мусикали драма театрида бўлиб ўтди. Унда Қарши шаҳар, Китоб, Қамаш, Яқкабоғ туманларидаги муруват уйлари, Чирокчи, Шаҳри-сабз туманларидаги махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари иштирок этди.

«Болаларнинг бегонаси бўлмайди» деб номланган мазкур тадбирда Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали, Қарши давлат университети, Қарши муҳандислик-иқтисодий институти талаба-қизлари қийим матолардан тиккан беш мингдан ортиқ ўйинчоқ болаларга совға қилинди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасидан маълум қилишларича, бундай тадбирларни ўтказишдан қўланган мақсад талаба-қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш билан бирга тежамкорликни ўргатиш, муҳими, уларда ҳомийлик тўғрисидаги шакллантиришдан иборат. «Болаларнинг бегонаси бўлмайди» деб номланган бундай тадбирларни бошқа вилоятларда ҳам ўтказиш режалаштирилган.

Шу кунгача Сирдарё, Навоий ва Наманган вилоятларида бўлиб ўтган ана шундай хайрли тадбирларда ҳам талаба-қизлар ўзлари тайёрлаган минглаб қўғирчоқни меҳрибонлик уйлари болаларига ҳадя қилди.

(ЎЗА)

Ҳар бир замонда, ҳар бир давлатда мамлакат куч-қудрати, тараққиёти ва келажаси ўша юрда хотин-қизларга яратилган шароитга, уларга кўрсатилган ғам-ҳўраликка кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган. Чунки, бола тарбияси, оила ва жамиятни идора қилишда, миллат саломатлиги ва салоҳиятини мустаҳкамлашда оналар ва аёлларнинг ўрни беқиёсдир.

Бунга ўз халқимиз, тарихимиз мисолида яққол кўришимиз мумкин. Айни чоғда оналарни қадрлаш, аёлга эҳтиром кўрсатиш ҳам халқимизнинг ажойиб анъаналари бор. Мамлакатимиз мустақилликка эришганда, оналарни асраш, улар соғлигини муҳофаза этиш, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий, сиёсий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги нуфузи ва маъқени ошириш ишларига катта эътибор



ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

Шу йилнинг май ойида Қарши шаҳрида умумтаълим мактаби ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинларининг финал босқичи бўлиб ўтди. Айни пайтда бу ерда ушбу катта спорт тадбирига қизгин ҳозирлик кўриляпти. Хусусан, мусобақа дастуринан жой олган асосий бахслар ўтказилиши мўлжалланаётган Олимпия заҳиралари спорт коллежида бу борада амалга оширилаётган ишлар, айниқса, эътиборга лойиқ.

Суратларда: Қарши Олимпия заҳиралари спорт коллежи тарбияланувчиларидан бир гуруҳи; машғулотлар пайти.



Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Дикқат! «СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ» Сизнинг саволларингизга Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Светлана Турсунходжаевна ИНОМОВА жавоб беради

Қаратилган бошланди. Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2004 йил 25 майдаги Фармонидан сўнг бу борада муҳим қадамлар қўйилди. Хотин-қизлар жамияти ташкилотларининг фаолиятини кенгайтириш, маҳал-ларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ма-салалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари жорий этилди. Бу эса хотин-қизларнинг жамия-тдаги иштирокчи янада фа-оллаштиришга қаратилган ди-алоглардир.

Бугун ўзбек хотин-қизлари барча жаҳада — илму ижод-да, спортда, тадбиркорлигу раҳбарлик ишларида ҳам ўз салоҳиятларини, фидойиллик намуналарини кўрсатишмоқ-да. Айни чоғда хотин-қизла-римиз ҳуқуқ ва манфаатла-рини ҳимоя этиш борасида белгилаб берилган имконият ҳамда имтиёзлари амалга ошириш масаласида жойлар-да камчиликлар йўқ эмас. Ҳурматли опа-сингиллар, азиз онахонлар! Хотин-қиз-ларнинг жамият ва давлат қурилишидаги ролини кучай-тириш бўйича қандай тақ-лифларингиз бор? Узингиз яшаётган шаҳар, туман ёки қишлоқда сизни нималар кўпроқ ташвишлантирапти? Оналик ва болалик, ижтимо-ий ҳимоя, нафақа ёки пен-сия таъминоти бўйича қан-дай муаммолар бор? Агар мазкур масалалар юзасидан ўзингизни қизиқтирган савол-ларга жавоб олишни иста-сангиз, «Ўзбекистон овози» газетасининг «СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ»га му-рожаат қилинг.

Сизнинг саволларингизга унга берилган жавоблар газе-тасида ёриляпти. Савол ва тақлифларингиз-ни хат, шопингнома, факс ёки телефон орқали йўлла-шингиз мумкин. Мурожаатлар 10 марта қадар қабул қилинади. Ҳурмат билан қардошингиз. Ҳасанжон ҚОҲИРАҲИМОВ (Қо-рақалпоғистон Республикаси): «Ассалому алайкум, тахри-рият ходимлари. Сайтни кўриб менда Сизлар билан алоқа ўрнатиш ва мақола

Риштон туманидаги «Asia Paints Keramik» Ўзбекистон — БАА қўшма корхона-сида ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли ва экологик тоза маҳсулотларга талаб ортиб бораётди. Риштон туманидаги «Asia Paints Keramik» Ўзбекистон — БАА қўшма корхона-сида ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли ва экологик тоза маҳсулотларга талаб ортиб бораётди. Риштон туманидаги «Asia Paints Keramik» Ўзбекистон — БАА қўшма корхона-сида ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли ва экологик тоза маҳсулотларга талаб ортиб бораётди.

«ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ РАМЗИ БЎЙИЧА СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ ҚАНДАЙ? Илгари маълум қилингандек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси қошидаги «Истиқбол» ёшлар қанотининг рамзини тайёрлаш бўйича танлов эълон қилинган эди. Бугун ушбу танловга ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари томонидан юборилган нишон намуналарини эълон қилаёلمиз.

РИШТОН ЧЕРЕПИЦАЛАРИ — Бир вақтлар Риштонда тайёрланган керамика маҳсулотлари бутун дунёда машҳур бўлган. Биз ана шу нуфузни қайта тиклаш учун ҳаракат қилаямиз, — дейди қўшма корхона директори Абдукаримхўжаев. — Ҳозир корхонамизда харидорлар керамик черепицалар ишлаб чиқаришмоқда. Қирқдан ортиқ киши меҳнат қилаётган корхонада ўтган йили 120 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Замонавий дастохларни ўрнатиш ишлари ниҳоясига етказилди. Бунинг самараси уларок яна 40 та янги иш ўрни очилди. Қўшма корхона жамоаси бу йил 400 миллион сўмлик маҳсулотни савдога чиқаришни мўлжалламоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири

Навий шахридаги «Ўзбекэлектрремонт» масъулияти чекланган жамияти мамлакатимиздаги йирик sanoat корхоналаридан. Унда 1 киловаттдан 3200 киловаттгача қувватга эга электрдиғателлар ҳамда 2500 ампергача кучланишли трансформаторлар ташмирланади.

КОРХОНА БУЮРТМАГА МУНТАЗИР

Шу боис корхонага Навоий кон-металлургия комбинати, унинг кон бошқармалари, Муробот нефть ва газни қайта ишлаш корхонаси, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги, вилоят насос электр станцияси бошқармалари каби кўплаб йирик корхона, ташкилот, муассасалардан зулқисиз буюртма тўшиб туради. Ўтган йили корхона жамоаси қарийб 248 миллион сўмлик хизмат кўрсатди. Соф фойда 82 миллион сўмга етди. Жорий йилда корхона жамоаси 300 миллион сўмлик хизмат кўрсатиш ва соф фойдани 100 миллион сўмга етказишни режалаштирган.

Ёркул УМАР, ЎЗА мухбири

«ИСТИҚБОЛ» ЁШЛАР ҚАНОТИ РАМЗИ БЎЙИЧА СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ ҚАНДАЙ? Илгари маълум қилингандек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси қошидаги «Истиқбол» ёшлар қанотининг рамзини тайёрлаш бўйича танлов эълон қилинган эди. Бугун ушбу танловга ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари томонидан юборилган нишон намуналарини эълон қилаёلمиз.

КЎРИК-ТАНЛОВЛАР ТАҚДИМОТИ

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасида юқумли касалликлар шифохоналари, поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари, маҳалла тиббий ходимлари ҳамда санитар врачлар ўртасида республика кўрик-танловлари тақдими бўлиб ўтди. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»га бағишланган мазкур тадбир республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Экосан» халқаро ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилди. Экология ва саломатлик кунлари тадбирларини ўтказиш мақсадида ҳозир Оролбўйи ва бошқа экологик вазияти мураккаб ҳудудларда яшовчи аҳолига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун «Экосан»нинг саломатлик поезди ва автопоездларини ташкил қилишга маблағ жалб этиш бўйича сафарбарлик ойланти ўтказилмоқда. Ушбу ойллик тадбирларнинг ўтказилиши аҳолининг экология ва санитар маданиятини ривожлантиришга кўмак беради. Унинг доирасида юқумли касалликлар ўртасида «Юқори санитария-гигиена ва экология маданиятига эга бўлган энг яхши шифохона», «Санитария-гигиена ҳамда экологияга оид билимларни тарғиб этиш бўйича энг яхши поликлиника», «Санитария-гигиена ва экологияга оид билимларни тарғиб этиш бўйича энг намунали маҳалла шифокори» ва «Йилнинг энг яхши санитар шифокори» номинациялари бўйича кўрик-танловлар эълон қилинди. Мазкур танловлар поликлиника ва маҳалла шифокорлари ўртасида эса икки юқумли касаллик шифохона ва санитар шифокорлар орасида эса икки босқичда ўтказилди. Танловлар фойдалари нобари ойда «Экосан» дипломи, эсдалик муқофотлар ва тиббий масканларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш учун мўлжалланган тиббий жиҳозлар билан таъдирланди. Фойдаларга, шунингдек, хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг эсдалик совғалари топширилади.

Замира АЗИЗХОНОВА, «Жаҳон» АА

Дикқат, электрон газета!

Интернет. Бу сўз компьютердан фарзандларини бир зум бўлса-да чалғита олмайётган баъзи ота-оналарнинг энг ёмон кўрган сўзига айланган бўлиши мумкин, аммо халқаро тармоқ маъносини англатувчи бу атам охириги йилларда ҳаётимизнинг кўплаб соҳаларида том маънодаги техник инқилобга сабаб бўлди. Ҳар бир ташкилот айни пайтда фаолияти самарасини кўрмоқчи ва оширмоқчи бўлса интернетга саҳифа, яъни сайт очди. Бу масала, айниқса, оммавий ахборот воситалари учун муҳим. Чунки интернет энг оператив ОАВга айланди. Унинг бошқа турдаги ОАВдан фарқи шундаки, интернетда жойлаштирилган сайтга дунёнинг исталган нуқтадан кириш ва ахборотлардан баҳраманд бўлиш мумкин. Бунинг учун интернетниги бўлса кифой.

www.uzbekistonovozi.uz

интернетдаги манзилимиз

манзилидаги сайти 2005 йилнинг август ойидан ишга туширилган. Унда газетамизда чоп этилган мақолалар ва янгиликларнинг электрон кўринишидаги варианты жойлаштирилмоқда. Сайтда республика ва хориж янгиликлари, сиёсат, партия, ҳуқуқ, иқтисодий, экология ва саломатлик, маънавий, спорт, терроризм каби бўлимлар мавжуд. Газетонларимиз кўпинча бир неча кун аввал чиққан газетамиз сонларини сўраб мурожаат қилишди. Сайтни яратётганда биз шу мурожаатларни ҳам инобатга олдик. Энди газетамизнинг аввалги сонларини қидирган ҳар бир киши сайти-

мизнинг виртуал архивига кириб .pdf форматдаги файлларидадан фойдаланиш имкониятига эга. Шунингдек, сайтимиздан тахририят ходимлари, манзили, обуна индекслари, электрон почта манзили каби фойдали маълумотлар ҳам бор. Вэб-сайтимиз ишга туширилганга унчаллик кўп вақт бўлмас-да, республикамизнинг турли бурчақларидан ва ҳатто хориждан сайтимиз ҳақидаги фикрларни ола бошладик. Бунда бизга муштарийларимиз ўз фикр ва мулоҳазаларини қолдириши учун сайтимизда жойлаштирилган виртуал «Меҳмонлар китоби» асқотди. «Меҳмонлар китоби»да қолдирилган кўплаб фикрлардан айримларини эътиборингизга ҳавола қилишни жоиз топдик. Бешир ГУНЕЙ (Озарбой-жон): «Сизларни сайт орқали танидим. Дунёдаги рўй бераётган воқеалар, кининг нима дейишига қарамай Ўзбекистон тўғрисида кетаётганидан далолат берапти. Ҳурмат билан қардошингиз. Дилфуза АВЕЗЖОНОВА (Қо-рақалпоғистон Республикаси): «Ассалому алайкум, тахририят ходимлари. Сайтни кўриб менда Сизлар билан алоқа ўрнатиш ва мақола

меҳнатингиз самараси, албатта. Аммо иш бор жойда камчилик бўлиши табиий, шундай эмасми? Мен сайт ҳақида эмас, газета наشري ҳақида фикр билдирмоқчи эдим. Газетангиз республикамизнинг отахон наشريдан ҳисобланади. Бироқ унинг саҳифалари ҳали ҳам кам, қоғоз сифати ҳам мактанлари даражада эмас. Шу билан бирга унда ёшларнинг руҳлар кам. Фикрларини тўғри тушунасиз, деган умиддаман. Зеро, танқид бор жойда ривожланиш бўлиши ҳаммага маълум. Самимият билан муштарийингиз. Бизни бу виртуал китобда муштарийларимизнинг нафақат сайт ҳақида, балки турли масалаларда фикр билдиришлари, айниқса, кувонтиради. Демак, бизни ўқишмоқда, бизга эътибор беришмоқда. Ҳар бир соҳада бўлганидек

TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Халқаро аэропорт

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, Fax: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKIDORGA HANMKORI!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbm.uz E-mail: info@tshbm.uz va Birja@mail.tps.uz

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг мувофақиятингиз учун!
ПАХТА БАНК — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон ва БМТ



- 1992 йил 2 март. Ўзбекистон Республикаси БМТ аъзолигига қабул қилинди.
• 1993 йил февраль. Тошкентда БМТ ваколатхонаси ўз фаолиятини бошлади.
• 1993 йил 28 сентябрь. БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов нутқ сўзлади.
• 1995 йил июль. Самарқандда ЮНЕСКОнинг «Ипак йўли — мулоқот йўли» дастури доирасида Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти очилди.
• 1995 йил 14-16 сентябрь. БМТ ҳимматлигида Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Тошкент семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

- 1995 йил 18-20 сентябрь. Нукус шаҳрида Орал денгизи ҳаваси давлатларининг барқарор ривожланиши бўйича БМТнинг халқаро конференцияси бўлиб ўтди!
• 1995 йил 24 октябрь. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг юбилейи — 50 сессиясида нутқ сўзлади.
• 1996 йил 21-24 апрель. Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Париждаги ЮНЕСКО қароргоҳида «Темурийлар даврида фан, маданият ва маърифатнинг гуллаб-яшнаши» мавзусида ҳафталик бўлиб ўтди. 23 апрель кунини Президент Ислам Каримов ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши сессиясида «Утмишисиз келажак, ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайдми» мавзусида нутқ сўзлади.

- 1997 йил 14-16 сентябрь. Тошкентда БМТ билан ҳамкорликда «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи ҳудуд» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.
• 1999 йил 19-20 июль. Тошкентда Афғонистон мижаросини ҳал этиш бўйича «6+2» гуруҳининг БМТ ҳимматлигидаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда тарихий Тошкент Декларацияси қабул қилинди.
• 2000 йил 8 сентябрь. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг «Минг йиллик саммити»да нутқ сўзлади.
• 2002 йил 18-20 октябрь. БМТ Бош котиби Кофи Аннан Ўзбекистонга ташириф буюрди.

Касаначилик — мулкий, ҳуқуқий ва ижтимоий меҳнат муҳофазаси

УРГУТГА КЕЛИНГ, ТАЖРИБА ОЛИНГ

деган фикрдамиз биз ҳам



Хусан ТҒИЗОВ олган сурат

Ургут азиздан нақошлик, зардўзлик, қосиблик, темирчилик каби касб сирлари авлоддан-авлодга ўтиб келётган ҳунармандлар маскани ҳамдир. Бу ерда салкам ўттиз йилдан буён миллий ҳунармандчилик турларига қишлоқ хотин-қизларини жалб қилиб, уларни иш билан таъминлаб келётган зардўзлар анчагина. Тикуччилик ва тўқувчилик цехи раҳбари, «Шухрат» медали соҳиби, «Ғуслик» маҳалласи фуқароси Тожиой РАЖАБОВА уларнинг бири.

— Зардўзлик менга она мерос, — дейди Тожиой опа. — Болалигим Самарқанд туманининг Қўшманғали қишлоғида ўтган. Ҳозир маҳалламиз ва кўшни маҳаллалардан юзга яқин хотин-қиз билан шартнома асосида ўш шариоғида ишлашга ўтганмиз. Турли хил шаклда зарҳалат, зартун, келинлик учун қалпоқ ҳамда тиллақош каби махсусларимиз мамлакатимиз бозорлари ва дўконларида харид қилинапти...

Дилшода ТОШЕВА, цех тўқувчиси:
— Ёшлгимдан зардўзликка бўлган қизиқиш мени Тожиой опам олдиларига етаклаб келди. Мактабни тугатиб, шу ерда касб ўргандим ва шу ерда ишлаб қолдим. Маошим яхши. Иш жараёнида қизлар билан шер, қўшқ, лапарлар айтишиб, зеркишини билмаймиз. Тожиой опа оқ кўнгли, меҳрибон ва айни пайтда иродали аёл. Қанийди, жамиятимизда у киши каби инсонлар кўп бўлсалар...

Муаззам ХОТАМОВА, касаначи:
— Оиламизда хотин-қизлар — 6 нафармиз. Махсуслотни тайёрлаш учун кетадиган барча хомашёни Тожиой опалар етказиб беради. Биз эса буюртмаларни тез, соз ва сифатли бажарсак, бас. Ойлик маошларимиз бажарган ишимизга қараб туланапти. Қишлоқ аёллари учун энг қулай иш тартиби шу, деб ўйлайман. Негаки, рўзғор ишларимиз ҳам доимо санражон-саршиста...

Давлатимизнинг касаначиликка эътибор қаратгани катта иш бўлди. Чунки, меҳнатнинг бу тури ишга қатнаб ишлашга шароити бўлмаган хотин-қизлар учун ғамхўрлик ҳамдир. Ҳозир маҳалламиздаги ақсарият хотин-қизлар шартнома асосида ўш меҳнати билан банд. Масалан, Адолат Ашурова, Мазруфа Мирзаева, Гули Акрамова сингари касаначи чеварлар сафи кўпайиб бормоқда...

Бугун Ургутда меҳнатнинг касаначилик тури учун шароит яратётган ўнлаб тадбиркорларни учратганимиз мумкин. Яқинда туман ҳокими тавсияси ва ташаббуси ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаолларининг тарғиботи билан бу ердаги «Тонг ГЗ» ҳуосий қорхонаси, «Саховат» МЧЖлари ҳам касаначилик асосида меҳнат қилиш тадбирларини ишлаб чиқишди. Ҳозир мазкур қорхоналарда буюртмачи ва ижрочилар ўртасидаги шартномалар имзоланган жараёнида қизинг кечмоқда...

«Асосий масала» — аҳолини иш билан таъминлаш ва шунинг эвазига турмуш фаровонлигини оширишдан иборат, — дейди туман ҳокими Холмухаммад Нуруллоев. — Президентимиз Фармони ва ҳукуматимиз қарори ижроси юзасидан аниқ қорар тадбирлар ишлаб чиқарганимиз. Махсус ишчи гуруҳи тежкор иш олиб борапти...

Ҳоким сўзларини тинглаб туриб, касаначилик борамида ишчи нимадан бошлашни билмай турган вилоятнинг Жомбой, Нарпай, Пахтачи, Қўшработ каби туманлар раҳбарлари ва мутахассислари «Ургутдан тахриба олиб кетсалар бўларкан», деган фикрга келди.

Шухрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

ЎЗБЕКISTON ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ САФИДА

1992 йил 2 март кунини Ўзбекистон Республикаси бирлашган миллатлар ташкилотига аъзо бўлди

кистон ташаббусларига бир нигоҳ ташласак:
— Хавфсизлик Кенгаши сафини кенгайтириш, унга масалан, бугунги кунда жаҳон сиёсатида муҳим ўрин эгаллаган Германия Федератив Республикаси ва Япония сингари давлатларни доимий аъзо сифатида киритиш;

— Халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган қарорларни тежорлик билан амалга ошириш учун БМТ Бош котиби ваколатларини кучайтириш;
— Зиддиятнинг вазиятларнинг олдинчи олиш ва уларни бартараф этиш манфаатларини кўлаб, БМТнинг халқаро минтақавий ташкилотлар билан ўзаро муносабатини кучайтириш, бу ташкилотнинг ўзига қарашли минтақавий тузилмаларини янада ривожлантириш зарурлиги тобора аён бўлиб қолаётганлиги.

Буллардан ташқари, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича илгари сурилган бир неча ташаббуслар, Тожикистон диёрини содир бўлган фуқаролар урушини тўхтатиш борасида мамлакатимиз илгари сурган тинчлик тақлифлари ва уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича аниқ ҳаракатлар, Орол фожиаси билан боғлиқ масалаларнинг дадил кўтарилганлигини ёдга оласак, табиийки, буларнинг барчаси глобал аҳамиятга эга бўлган ташаббуслар эканлигини кўраимиз.

Ушбу жаҳон аҳамиятига мولىк ташаббуслар Ўзбекистон раҳбарининг уч бор БМТ Бош

Ассамблеясининг сессияларидаги чиқишларида ўз ифодасини топади. 2000 йил 8 сентябрь кунини Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов халқаро ҳамжамиятнинг «Минг йиллик саммити»да Афғонистон мижаросини хавфсизликка таҳдид эканлиги, бу таҳдидни бартараф этиш учун БМТ ва бошқа йирик халқаро ташкилотлар кураш олиб бориши лозимлиги билан боғлиқ масалаларни баён қилди.

Маълумки, ҳозирги даврда минтақалар хавфсизлиги ва алоҳида давлатлар миллий хавфсизлигини таъминлашга муҳим ўрин эгаллаган Афғонистон мижаросини хавфсизликка таҳдид эканлиги, бу таҳдидни бартараф этиш учун БМТ ва бошқа йирик халқаро ташкилотлар кураш олиб бориши лозимлиги билан боғлиқ масалаларни баён қилди.

Масалан, ядросиз дунё учун олиб борилаётган халқаро жараёнларни олиб кўрайлик. Аввало, Ўзбекистон Марказий Осиё нафақат ядросий, балки ҳар қандай бошқа атомвий қирғин қуролини, чунончи, биологик ва химиявий қуролидан ҳам холи ҳудудга йилангани ташаббускоридир. Халқаро террорчи қучлар бундай дахшатли қуроиларга эга бўлишга ҳаракат қилаётган бугунги кунда бу масала янада долзарб халқаро аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун Марказий Осиёни деярли ҳамма томондан ядро қуролига эга бўлган давлатлар (Рос-

сия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Эрон эса ядросий тадқиқотларни бошлаб юборган) ўраб турибди. Демак, мантқиқ ҳулоаса оддий: минтақамиз ядросий таҳдидлардан ҳимояланган эмас.

Шунинг учун Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд сифатида ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш бўйича 1998 йилда бошланган ва БМТ юқори баҳолаган ишларни охирига етказиш ҳамда бу йўналишдаги тегишли келишувларни қирғинчи тинчлик минтақамиз давлатлари халқаро сиёсатининг устувор вазифаларидан бири бўлиши керак.

Ҳўш, «ядросиз зона»нинг қандай мезонлари бор? Дунё тажрибасида бундай ҳудудларни белгилашнинг ягона талаби борми? Йўқ, Чунки, ер юзининг ҳар бир минтақаси ўз хусусияти ва аҳамиятига эгадир. Лекин, тадқиқотчилар ядросиз зона тушуначисини шундай таърифлайдилар: «Ядросиз зона қурол-яроғларни чеклаш, ядросиз низо чиқиши хавфини камайтириш, мазкур зонага қирадиган мамлакатлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва 1968 йилда имзоланган (1970 йили қучириган, 1995 йилда муддатини узайтириш бўйича БМТ доирасида шартнома ишлаб чиқилган. К.К.) ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартнома ҳаётга татбиқ этилишига қўмақлашни воситасидир. Халқаро шартнома асосида ядро қуролини синов, ишлаб чиқариш ва жойлаштириш тақиқланган, шунингдек, унинг ҳудудда ва унга қарши ядро қуролини

қўллаш тақиқланган зона — ядросиз зона ҳисобланади».
Изоҳ тарихида шунини айтиш керакки, бугунги кунга келиб тўртта ядросиз зона мавжуд. Булар:

- Антарктида (шартнома 1961 йил 23 июнда қучириган);
— Лотин Америкаси (шартнома 1969 йил 25 апрелда қучириган);
— Тинч океанининг жанубий қисми (Фаратонга шартномаси 1986 йил 11 декабрда қучириган);
— Африка қитъаси.

Ушбу ядросиз зоналар ҳақидаги шартномалар Ўзбекистон Республикаси томонидан эътироф этилган. Ана шу ҳолатнинг ўзи ҳам мамлакатимиз Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш учун тинмай интилаётганлигини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, минтақамизда ядросиз зона барпо этиш ҳақидаги Ўзбекистон ташаббуси БМТ ва жаҳон жамоатчилиги томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда. Эеро, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш фақат минтақадаргина эмас, балки жаҳонда ҳам тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Кутарилган мавзу (БМТ) атрофидаги ана айрим ҳолатларга эътибор қаратсак. Халқаро ҳамжамият ҳозирги замон талабларига тўлиқ мерос равишида ишлаб олаётганими? Бу саволга ижобий жавоб билдириш қийин. 2002 йилнинг октябрида БМТ Бош котиби Кофи Аннан Ўзбекистонга ташириф буюрган

эди. Президентимиз БМТ раҳбари билан учрашув чоғида халқаро муносабатлардаги мураккаб жараёнларда БМТ султқашлик қўлаётганлигини айтиб, бир қатор тақлифларни билдирди. Бу тақлифлар ҳам халқаро ҳамжамиятни ислоҳ қилиш билан чамбарчас боғлиқдир.
Айтмоқчимизки, барча хайрли тадбирларни ёдда тутган ҳолда, БМТ ҳозирча дунё халқлари қутган «наҳот қалъаси»га айлана олмапти, дейишга асослар бор: кеаги Афғонистон, Ироқ, ёки «дунёнинг дардди нуқтаси» Яқин Шарқ танглигининг давом этаётганлиги, бугунги Эрон ва унинг ядросий дастури теварағидаги бахс-мунозаралар Данияда (аниқроқ, Фарба) муулмон олаимига нисбатан ўринсиз ҳаракатлар... Буларга БМТ масъул ёки жавобгар эмасми?! Афсуски, бугунги кунда, назаримизда бирор минтақа ё давлатдаги муаммонинг ҳал этилиши ўша давлатнинг иқтисодий ва сиёсий тараққиёти, географияси, бугунги БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларидан бири, ё бир нечтаси билан қандай муносабатда эканлигига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Албатта, БМТни ислоҳ этиш — бу замон талаби. Бироқ, шунинг ҳам унутмаслик лозимки, БМТни модернизация ва ислоҳ қилиш қанчалик зарур бўлмасин, Ўзбекистон бугунги кунда ҳам бу ташкилотнинг мўқобили йўқ, деб ҳисоблайди. Бизнинг тасавурида Давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — барча давлатларнинг, минтақаларнинг, бугун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ечиш учун тузилган ноёб ташкилот, беким «тинчлик ҳонадонидир. БМТ — бу халқларнинг тинч-товуш янашга бўлган эзгу иродасининг буюк рамзи, инсоният маънавий тараққиётининг ёрқин нишонасидир.

Қобилбек ҚАРИМБЕКОВ, сиёсий шарҳловчи

Аччиқ, аммо очик гаплар

Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитаси қимматли қозғолар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази Бош директори ўринбосари С.Розикова томонидан тахририятимизга юборилган хат бизни таажжубга солди. Унда ёзилишича, «Бизнес-вестник Востока» газетаси 2006 йил 26 январь кунини ўтказилган танловда қимматли қозғолар бозорига ягона нашр, деб эълон қилинган. Шунга кўра, эмитентлар томонидан ошкор этилиши лозим бўлган маълумотлар йил охиригача фақат «Бизнес-Вестник Востока» ҳафталигида чоп этилиши шарт экан.

Мустақилликдан кейин мамлакатимизда эркин бозор яратилиши ва ҳар соҳада соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Ҳар соҳада эскидан мавжуд бўлган монополиялик муносабатларга аста-секинлик билан барҳам бериб бориляпти. Президентимиз томонидан 2005 йил якуни ва 2006 йилнинг устувор вазифаларига бағишланган йилгилишда сўзланган маърузада ҳам рақобат муҳити аҳолини ўнлаш воситаси эканлиги алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, рақобат истемолчи ташлаш ҳуқуқини беради. Истемолчи рақобат шариоғидаги ўзига маъқулини, қўлайроғини, арзонроғини танлаб олиши мумкин. Рақобат йўқ, монополия бор жойда бундай эркинлик бўлмайди. Тасаввур қилиб кўринг, фалон махсуслотни фақат «Олой» бозоридан оласан, деб буйруқ чиқарилса, бошқа бозорлардан ўша махсуслотни бирмунча арзонга олиши мумкин бўлган истемолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқи камситилмайдими? Ёки фалон товарагининг «фақат мана бу

ларда эълон қилиш ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.
Марказ бош директори ўринбосари С.Розикова.
Демак, бундан кўринадики, танлов голиби бўлгани учун қимматли қозғолар бозорига «БВВ» ягона нашр ва эълонлар фақат унга берилди.

Танлов қандай ўтгани, танловда қанча нашр иштирок этгани алоҳида мавзу бўлиши мумкин. Лекин танлов шартлари ҳақида икки оғиз фикр юритмасак бўлмайди. «Қимматли қозғолар бозори иштирокчилари томонидан ах-

«БВВ»нинг сотувдаги чакана нархи 550 сўмни ташкил этади. Бошқа газеталар, масалан, «Мулқдор» газетасининг савдодаги нархи 150 сўм, «Правда востока» газетаси — 125 сўм, «Менинг мулким — Частная собственность» газетаси — 440 сўм, «Ўзбекистон овози» газетаси — 100 сўм. Аммо, нарх-наводан қатъи назар реклама берувчи ташкилот ҳам, истемолчи ҳам энди «БВВ»га мурожаат қилишига тўғри келди. Акс ҳолда, Марказ раҳбарлигини таъкидлаш бўйича, эълонлар ҳақиқий

«Менинг мулким — Частная собственность» газетасининг бую муҳаррири Л.П.Резникованинг таъкидлашича, қимматли қозғолар бозорига ягона нашрнинг ташкил қилиниши 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 108-моддасига эид. Бундан ташқари, унинг айтишича, дунёнинг бир қатор давлатларида, хусусан, Германия ва Буюк Британияда қимматли қозғолар

маълумотномасини; ушбу қонунда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йилгилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабарни; жамият аффилирланг шахсларнинг уларга қарашли акциялар сони ва турларини кўрсатган ҳолда тузилган рўйхатларини; ваколатли давлат органи томонидан белгиланадиган бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ҳар йили эълон қилиши шарт.
Жамият, шу жумладан, ёпиқ турдаги жамият ҳам,

данинг охириги бандида ёзилишича, «Оммавий ахборот воситаларининг ушбу қонунда назарда тутилган акциядорлик жамиятининг ахборотини эълон қилиши асосис рад эттишига йўл қўйилмайди». Ҳўш, жорий йилда бошқа газеталар қорхона жамият ва ташкилотлар эълонларини қайси қонунга асосланиб рад этади? Танлов ўтказилганлиги учун, дейдими? Умуман, қимматли қозғолар бозорига ягона нашр белгилаш ҳақидаги танлов қайси қонунга асосланиб (қайси Низомига демагиз) ўтказилган?

сининг давлат тилида ёки реклама берувчининг хоҳишига кўра бошқа тилларда тарқатилмайди». «Давлат тили тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасида эса «Лавҳалар, эълонлар, нарҳномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилнади ҳамда бошқа тилларда тарқатилмайди» дейилган. Биринчидан, давлат тилида эълонни тарқатмоқчи бўлганларнинг ҳақ-ҳуқуқи қандай бўлади? Иккинчидан, ўша тилда ўқувчи истемолчиларнинг талаби қандай қондирилади? Учинчидан, тарқалиш кенглиги билан «БВВ» мамлакатимизнинг барча ҳудуддаги истемолчилар эҳтиёжини тўла таъминлай оладими? «БВВ»нинг Ўзбекистонда маълумотида ўз ўрни бор, албатта. Эътирозимиз бу газета ҳақида эмас, балки қарор ҳақида.

Умуман, бозор иқтисодиёти шариоғида юқоридаги каби монополиялик муносабат ўрнатилиши, у ёки бу қорхона манфаатига мослаштирилган қарор қабул қилиш адолатлими? Бу монополиялик муносабат ўрнатилишига ҳамда реклама берувчилар ва истемолчилар ҳуқуқининг камситилишига олиб келмайдими? Аслида бундай қарорни қабул қилишдан мақсад нима ўзи? Бу қарордан реклама берувчи ёки истемолчига ҳеч қандай фойда йўқ-ку. Қайтага қатор нуқулалликлар ва иқтисодий зарар бор-ку. Эҳтимол, биз ниманидир англамаётгандиримиз, эҳтимол, бу қарорни чиқарганларнинг ўларига қарини маълум бўлган бошқа мақсад бордир? Тегишли идоралар бунга аниқлик киритишлари, деб ўйлаймиз.

Ақбар ЖОНУЗОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

БИЗГА РАҚОБАТЧИ КЕРАКМИ ЁКИ МОНОПОЛИСТИМИ?

ҚИММАТЛИ ҚОЗОЛЛАР БОЗОРИДА ЯГОНА РЕКЛАМА НАШРИНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ЎЙЛАБ ТОПИЛГАН ҲАҚАТИ ТАРТИБЛАР ҲАҚИДА

«БВВ»га эълон бермасдан илож йўқ. Дарвоқе, Тошкент шаҳар электр тармоқлари қорхонасига (бошқаларга ҳам) 12 февраль кунини қуйидаги мазмунда хат юборилди:
«...Марказ Сиздан 2006 йилнинг 20 февралига қадар мuddат ичида Кузатув кенгашининг 2005 йил якуни бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йилгилишини чақириб бўйича режалаштириладиган сана, шунингдек, акциядорларнинг йилгилишини ўтказиш режалаштириладиган сана ҳақидаги маълумотни тақдим этишни сўрайди.
2006 йилда «Бизнес-Вестник Востока» ҳафталиги қимматли қозғолар бозорига ягона нашр, деб белгиланган.
Юқоридагилардан келиб чиқиб, Сиз ўз ахборотингизни қонунчиликка биноан «БВВ» саҳифаларида чоп этишга лозим. Бошқа газета-

боротларни очиб тўғрисидаги Низомига кўра, ягона нашр органи қуйидаги талаблар асосида аниқланади:
республика матбуот нашрларининг танловга юборилган энг яхши тақлифлари, тиражи сони, тарқалиш ҳудуди, чакана савдодаги нархи, акциядорлар учун йиллик обуна нархи ва эмитентлар учун ахборотни жойлаштириш нархи.
Қизиқ, бу талаблар бўйича қўйилганда «БВВ»нинг чакана савдодаги ҳамда эмитентлар учун ахборотни жойлаштириш нархи бошқа нашрларга қараганда бирмунча баянд. «БВВ» газетасида 1 кв.см. ҳажмдаги эълоннинг нархи 0,20 АҚШ доллари (240 сўм), «Мулқдор» газетасида — 125 сўм, «Менинг мулким — Частная собственность»да — 150-160 сўм, «Банковские ведомости» — 150 сўм ва «Банк ахборотномаси» газетасида бу нарх 140 сўм...

эмас, деб ҳисобланади. Ушбу эълонлар ҳақиқий бўлиши учун танлов голиби — «БВВ» газетасида берилиши шарт.
«БВВ»нинг кеаги сони 8621 нусхада чоп этилган. Агар «Халқ сўзи» газетаси билан қиёсласак, бу 4 баробар кам демакдир. «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг тиражи — 17696, «Маърифат»ники эса 32926 нуса.
Юқоридаги газеталар эса республикамизнинг ҳамма вилоятлари ва туманларига етиб боради. «БВВ»нинг тарқалиш ҳудуди ҳам ҳисоб-китоб қилинса, юқоридаги газеталар билан тенглаша олмаслиги маълум бўлади. Масалан, февраль ойида «Матбуот тарқатуви» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАХ орқали «БВВ» газетаси жами 861 нусхада тарқатилмоқда. Жумладан, чакана савдода — 209 нуса, обуна орқали 652 нуса.

бозорига ягона нашр танланган. Аммо, бундай нашрларда эмитентлар томонидан берилган ахборот ва эълонлар танлов ёки тендер ташкилотчилари ҳисобидан бепул чоп этилади. Бизда эса бунинг аксини қилишмоқчи, яъни энг қиммат нархда фақат «БВВ»да ахборот ва эълонларни чоп этиришмоқчи. Хориқ тажрибада бўлганда қимматли қозғолар бозорига ягона нашр танланиб, эълонлар бепул босиб борибса, хоҳлаган одам бошқа газетада эълонларини пуллик бостирса бу бошқа гап.
«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 108-моддасида «Очик акциядорлик жамияти ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлар ҳисоб варағини; жамият акциялари эмиссияси

облигациялар ёки қимматли қозғоларни ошқорча жойлаштирган тақдирда, бу ҳуқуқдаги маълумотларни ваколатли давлат органи белгиланадиган бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ҳар йили эълон қилиши шарт» дейилган.
Эътибор берган бўлсангиз, тўғридан-тўғри акциядорлик жамиятлари баъзи маълумотларни ОАВда эълон қилиши шартлиги таъкидланаяпти. Лекин бирор жойда белгиланган ахборот воситасида эълон қилиниши шарт, дейилаётгани йўқ. Қолаверса, қимматли қозғолар тўғрисидаги маълумотларни ваколатли давлат органи фақат ҳажм ва тартиби бўйича белгилаши ҳақида гап кетмоқда. Эълон қилиши керак бўлган нашрнинг белгилаш ҳақида эса кўриб турганимиздек, қонунда кўрсатма йўқ. Бундан ташқари, ушбу мод-

«Истемолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддаси истемолчиларнинг асосий ҳуқуқлари ҳақида бўлиб, 3-хатбошисига кўра, истемолчи тоғари эркин танлаш ҳуқуқига эга. Юқоридаги ҳолат истемолчининг ушбу қонуний ҳуқуқини тўла рад этмайдими?
Бундан ташқари, Вазирил Маҳкамасининг 2003 йил 24 июлдаги қарорига мувофиқ Давлат Мулки қўмитасининг асосий вазифаларидан бири қимматли қозғолар бозорини, шу жумладан, иккиламчи бозорини ривожлантириш, унинг инфратузилмасини мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, замонавий молиявий усуллардан кенг фойдаланиш, мамлакатимизнинг бозорини халқаро капитал бозорларига интеграциялашдан иборат.
«Реклама тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама Ўзбекистон Республикаси

● Ернинг муносиб эгасини топиш — долзарб масала

ҲАҚИҚИЙ ЭГА ТОПИЛГАЧ...

РОМИТАН ТУМАНИДА АГРАР СОҲАДА ТУБ БУРИЛИШ ЯСАЛДИ

Мана, икки-уч йилдирки, ромитанликлар эркин нафас олмақдалар. Қишлоқлар чиройи ўзгарди, меҳнат аҳлининг ўйида йил — ун икки ой хурсандчилик, тўй. Қайси ҳовлига кирманг, янги машинага, бостирмасида молларга кўзингиз тушади. Бу — бир пайтлар қосаси оқармаган деҳқоннинг мулкдор бўлганидан далолат. Бундай турмуш тарзига эса ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Мустақиллик туйғайли оддий деҳқоннинг кўксига шамол теғди.

— Тўғриси, шундай замон келишини ким ўйлабди дейсиз ўшанда, — хотираларини баён қилади туман ҳокими **Аскар Нозимов**. — Бундан 15-17 йил илгари номдор «Халқобод» колхозига раис эдим. Идорага киришга, деҳқонга рўбару келишга чўчирдим. Сабаби — номи улуг, супраси қуруқ қолхоз хазинасида ҳеч нима йўқ эди. Бизда ахвол шу бўлгандан сўнг тумандан оғиз очманг... Сурункали қоқоқлик ҳаммининг бошини ҳам қилганди ўшанда. Ботқоқликдан чиқиш йўлларином хомчўт қилиб, дилимни ёрсам, раҳбарлар аввал қулишарди-да, кейин қойишарди: ер ҳозир ҳам деҳқонники-ку... Ҳамманг ишқамсан... Кўй бу эртагингни, ука...

Бўлажак ҳоким А.Нозимов 1993 йилда республика Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги томонидан ташкил этилган ғуруҳ таркибиде (туман раисларидан ягона ўзи) Германияда фермерлик ҳаракатини ўрганиб қайтди. Буни қарангки, ўқигани, ўйлагани, хомчўтлари рўё эмас экан. Фермерлар билан дала айланди, уларга берилган эркинликларни кўрди, вақтни қадрлаш нечоғли аҳамият касб этишини яна бир бор тушунди. Нега бизда бу усулни ёппасига қўлаш мумкин эмас?

Худди шундай бўлди ҳам. Раис хориждан қайтгач, мамлакатимизда биринчилардан бўлиб қишлоқ ҳўжалигида янгиликни жорий этмоқчи бўлди. Жамоа ҳўжалиги ерларини ҳисоблаб, уларни 58 та лойиҳага ажратди. Бу 58 та фермер дегани эди. Бу орада йил якунланиб, уни юқори бошқарув идораларига ишга олишди... Орадан беш йил сувдек оқиб ўтди. Вилоятнинг у, бу туманида пудрат усули «иш берди», фермерлар пайдо бўлди.

1998 йилда у яна ўзининг киндик қони тўкилган туманга қайтди, ҳоким этиб тайинланди. Шунда у ўзи жазм қилган ишнинг масўлиятини яна бир қарра қалб кўзгусидан ўтказди.

Аслида туманда 1999 йилдан фермерлик ҳаракати бошланган. Мавжуд экин майдонларининг дастлаб тенг яри фермерларга тарқатилди. Бир йилдан сўнг ернинг қолган 30 фоизи, 2001 йил бошида эса ҳамма экин майдонлари фермерлар ихтиёрига берилди.

Сирасини айтганда, ҳаракатда айрим нуқсонлар ҳам кўзга ташланди. Сабаби, умумий қозондан оқват еб ўрганган деҳқон фермерликдан етарли тажриба ва малакага, билимга эга эмасди. Аммо ишонч, изланиш секин-аста самара бера бошлди: 2000 йил якунида 40389 тонна пахта хирмон яратилди. Йиллар ўтган сайин бу миқдор ортди: 2004 йилда 46 000 тонна пахта тайёрлашга эришилган бўлса, 2005 йилда 50 000 тоннани ташкил этди. Ҳосилдорлик олти йил ичида 26 центнердан 40 центнерга кўтарилди.

Энди иқтисодий самара ҳақида икки оғиз сўз. 1990 йилда туманда биргина пахтачиликдан 145,5 миллион сўм зарар кўрилган эди. Ўтган йилда эса 15 миллиард сўм даромад олинди. Соф фойда 4,5 миллиард сўмни ташкил этади. Рентабеллик даражаси 17,6 фоиздан 46,5 фоизга кўтарилди. 6070 гектар бугдой майдонидан ҳам 35 206 тонна бугдой етиштирилди. Бу — ҳар гектар ердан ўртача 57,7 центнер бугдой олинди дегани эди. «Саъдуллабобо», «Ахорбобо», «Шариф-Тош», «Нишон», «Қобилбобо», «Элёр-2001», «Арбоб-Умар», «Бобомурод Остон», «Тўхта-саидбобо», «Шарифа биби», «Деҳқонбобо» каби ўнлаб фермерлар (рўйхати яна давом эттириш мумкин) эришган муваффақият салмоғи ҳаммани қувонтирди.

Дарвоқе, ўтган йилларда фермерлар топган даромадларини аввало ҳўжаликлар моддий-техника базасини мустаҳкамлашга сарфлаганлари боис, улар қўлидаги культиваторлар сони 220 тадан 546 тага, тиркамалар 300 дан 986 тага, ҳайдов тракторларни 207 тага етди. Дала меҳнатчисининг ўртача ойлиги 40-45 минг сўм атрофида

бўлди. Лекин бу ҳали кам. Ҳозир туманда фермер оладиган фойданинг ҳам 40 фоизини дала меҳнатчисига ойлик маош сифатида тақсимлашга келишиб олинди.

Яна шуни таъкидлаш керакки, бугун фермерлар кўп тармоқли фаолият кўрсатишга интилоқдалар. Бугунги кунда 26 фермер ўзининг гишт заводига эга. 228 тасининг ёрдамчи чорвачилик ҳўжалиги, 52 тасининг фирма ва кичик корхоналари бор. Булар ҳам аҳолини иш билан таъминлашда қўл келаяпти.

Фермерлар ҳимийлигида туманда болалар спорти ривожланиб, мактаблар сони кўпаймоқда... Ромитан қишлоқ фуқаролари йигини гузариде бадий гимнастика маркази, 5-мактабнинг янги биноси, «Миришкор» маҳалла фуқаролар йигини ҳудудида янги спорт мажмуи, «Боғча» қишлоғида замонавий тиббиёт маскани, Газли шаҳарчасида шинам поликлиника ва шифохона қурилиб, ишга туширилди. Туман марказий йўллари қайта таъмирланиб, кўркам маҳалла ва кўчалар сони кўпаймоқда. Бобо Самосий меъморий мажмуаси ободонлаштирилди.

— Бизда вилеят марказига қатнаб, ортиқча маблағ ҳамда вақт сарфлашга эндиликда ҳожат қолмади, — дейди «**Нозим-Раҳим**» фермер ҳўжалиги бошлиғи **Бегим Ҳамроев**. — Чунки, туманимизда 6 жойда ёнилги қўйиш шохобчаси, 6 та минерал ўят омбори, 6 та минибанк мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Муқобил МТПлар ва «Ромитан МТП» акциядорлик жамиятидан ҳаммамиз бирдек фойдаланамиз. Ўғит, сув, ёнилги, техника таъминотида узлишлар йўқ... 16 гектар ерда деҳқончилик қилиб, пахта бўйича шартнома режасини ҳар йили ортиғи билан бажариб келамиз. Бундан ташқари, 2 гектар ерда чорва учун озуқа ҳам экиб оламиз. 80 бош қўй, 21 бош соғин сигиримиз бор. Давлатга сўт ҳам сотаяпмиз.

— Замон ўзгарди, қишлоқ аҳолиси дунёқарашини ҳам ўзгарди, — дейди ҳоким. — Деҳқонларимизнинг ерга, меҳнатга ҳозир муносабати бутунлай бошқача... Ҳар бири ўзини мулкдор билиб, мулкига қайғурмаган одамлар...

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири



✓ ИРОҚ



Ироқда рўй бераётган зиддиятларга қарамай Ироқнинг бош вазири Иброҳим Жафари янги ҳукумат таркибини тузиш давом эттирилишини билдирди.

Жафари Туркияга қилган расмий ташрифи давомида «эўравонликлар ҳукумати шакллантириш ва сиёсий жараён муваффақиятига ҳалақит бера олмайд», деди.

Бирок Ироқ президенти Жафари Туркияга қилган ташрифини танқид остига олди. Президент сўзларига кўра, бош вазири вазифасини бажарувчи Жафари бошқа мамлакатлар билан музокара олиб бориш ҳуқуқига эга эмас.

Президент келиб чиқиши Ироқнинг қурдалар яшайдиган шимолдан бўлса, Жафари Ироқ парламентида шиапарининг асосий ҳаракати етакчиларидан бўлади.

Ироқ ҳукумати расмий маълумотларига кўра, Ироқда ўтган ҳафтанинг ўзида 400 нафардан ортиқроқ одам ҳалок бўлиб, яна 458га яқини жароҳат олган.

✓ ГЕРМАНИЯ



Германияда «парранда гриппи»дан хайвон нобуд бўлгани тасдиқланди. Нобуд бўлган мушук қон таҳлиллари унда H5N1 вирус штамми борлигини аниқлади. Бу ҳақда Фридрих Леффер номидаги илмий институтнинг ветеринар лабораторияси вакиллари хабар беришди.

«Франс пресс» агентлигининг маълум қилишича, Германияда ўлимга олиб келувчи вируснинг паррандадан сўт эмизувчиға ўтишининг биринчи бор кузатилишидир. «Парранда гриппи»нинг патоген кўринишини юқтирган мушуклар биринчи бор Осиеда 2004 йилда аниқланган эди. «Осиеда» бу мушуклар касалланган паррандалар гўштини еб касалликка дучор бўлганди, — деди Леффер институти раҳбари Томас Меттенляйтер.

Яқин кунлар ичида Германия ҳудудида касалликдан 129 та ёввойи қўш нобуд бўлган. Касаллик мамлакатнинг 16 ерида рўйхатга олинган.

ҲАБИБ САЪДУЛЛА

Бешафқат ўлим Ўзбекистон халқ шоири, ўзбек шеъриятининг танкили намоёндаларидан бири, ажойиб инсон Ҳабиб Саъдулла (Ҳабибулла Саъдуллаев)ни орамиздан олиб кетди.



Ҳабиб Саъдулла 1942 йилда Наманган шаҳрида туғилди. Меҳнат фаолиятини 1959 йилда Наманган шаҳридаги 10-ўрта мактабда бошлаб, Тошкент экскаватор заводиде давом эттирди. 1961-1962 йилларда «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида адабий ходим бўлиб ишлади, кейинчалик «Наманган ҳақиқати» газетасида бўлим мудири, масўл котиб, муҳаррир ўринбосари бўлиб хизмат қилди. 1973-1990 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилеят бўлимининг масўл котиби сифатида фаолият кўрсатди. 1990-1998 йилларда Наманган вилеят Маданият бошқармасининг бошлиғи, сўнгги йилларда эса Республика Маънавият ва маърифат маркази вилеят бўлими раҳбари, «Наманган» нашриёти бош муҳаррири бўлиб ишлади.

2000-2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты сифатида фаолият кўрсатди.

Ҳабиб Саъдулла сермаксул ижод йўлини босиб ўтди. Унинг илк шеърлари 1958 йилда Наманган вилеят газетасида эълон қилинган эди. 1969 йилда «Океандан шабада» номли биринчи китоби нашр этилди. Шундан сўнг ширининг «Баҳор билан сўхбат», «Мулоқот», «Яна остонангда», «Эҳтиром», «Нур қадри», «Боғлар юртин боласимиз», «Тазарру», «Кучамдан жончон ўтганда» каби қатор шеърий тўпламлари босилиб чиқди. Унинг «Туғилган йилим», «Онаизор», «Тирик қурбонлар», «Замин садоси», «Еттинчи китъа», «Эътиқод», «Чуст ривояти», «Жароҳат» каби достонлари ҳозирги ўзбек достончилиғи ривожига салмоқли хисса бўлиб қўйилди.

Адибининг «Юсуф ва Зулайхо», «Меҳр қуёши» каби драмалари республика театрларида сахналаштирилди, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Ҳабиб Саъдулла газалнавис шоир сифатида ҳам маълум ва машҳур эди. Унинг кўплаб шеърларига басталанган қўшиқлар хонандалар томонидан севиб жжро этилиб, халқимизга манзур бўлган. Адибининг ижоди, айниқса, мустақиллик йилларида янги поғонага кўтарилди. Бу даврда у нафақат шоир ва драматург, балки ҳозиржаво публицист сифатида ҳам ўзининг бади ва мақолалари билан истиклолимизни тарафдор этди.

Ҳабиб Саъдулланнинг ўзбек адабиёти ва маданияти равақи йўлидаги хизматлари муносиб тақдирланган. У 1992 йилда «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими», 1999 йилда «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвонлари, 2003 йилда «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан муқофотланган эди.

Ҳабиб Саъдулла ҳаерда ва қайси лавозимда ишлагани, ўзининг ташкилотчилиғи, таърибаси, жонқурлиғи билан жамоатчилик ҳурмат-эътиборини қозongan эди.

Ажойиб инсон, танкили шоир ва жамоат арбоби, меҳрибон устоз ва садокатли дўст Ҳабиб Саъдулланнинг ерқин хотираси қалбларимизда ҳаммиса сақланиб қолади.



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
Республика Маънавият ва маърифат маркази



ПОЙТАХТИМИЗДАГИ

«ТОШКЕНТ ДОНМАҲСУЛОТ»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ЯНГИ МАҲСУЛОТ — ТЕМИР МОДДАСИ
БИЛАН БОЙИТИЛГАН УН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ



УННИ ФОРТИФИКАЦИЯЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ

Илгарилари корхонада фақат оддий ун маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда ЮНИСЕФ ёрдамида «Овқатланишни яхшилаш бўйича глобал альянс» (ГУАП — глобалний альянс по улучшению питания) халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда, қолаверса, унинг молиявий кўмағида ун маҳсулотларини темир моддаси билан бойитилган (фортификацияланган) ҳолда тайёрлаш ўзлаштирилди.


Бундай ун маҳсулотлари инсон саломатлиғи учун (хусусан, камқонлик хасталиғи йўлида) жуда фойдали бўлиб, катта аҳамиятга эга.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, айни дамларда дунёда 40 фоиз аҳоли камқонлик хасталиғига чалинган. 75 фоизи эса темир моддаси тақчиллигидан азият чекмоқда. Бу эса ўз навбатида кўплаб оналар ўлимига, чақалоқ-

ларнинг заиф ва нимжон туғилишига сабаб бўлмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, темир моддаси тақчиллиғига чалинган икки ёшгача бўлган болаларда ақлий ривожланиш қийин кечаркан. Шу боис, ҳомиладор аёллар, эмизикли оналар темир моддаси билан бойитилган ундан тайёрланган нон ва макарон маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилишлари тавсия этилади. Боиси, бу ун таркибиде В1 ва В2 дармондорилари бўлиб, бу инсон саломатлиғи учун ўта фойдалидир.

Корхонада айни дамларда I навли ун темир моддаси қўшилган фортификант билан бойитилмоқда. «Унни фортификациялаш миллий дастури»га кўра, лойиҳа учун мамлакатимиз ҳукумати ва халқаро банклар томонидан ана шу фаолият билан шуғулланётган корхоналарга грант ажратилган.



УНУТМАНГ! ТЕМИР МОДДАСИ БИЛАН БОЙИТИЛГАН УН — СОҒЛОМ ҲАЁТ УЧУН МУСТАҚИМ АСОДИР!

Настоящим объявляется конкурс на проведение оценочных работ связанных с процедурой ликвидации ОАО СП «Konmeat».

Простим оценочных организаций в 5 (пяти) дневный срок с момента опубликования настоящего объявления представить свои предложения по адресу Ташкентская область, г.Газалкент, ул.Раимкулова, 48 «а».

Оплата услуг будет осуществляться в соответствии с договором и требованиями Закона РУз «О банкротстве».

«АВИАСОЗЛАР ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОАЖ

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТГА!

«Авиасозлар деҳқон бозори» ОАЖ Кузатув кенгаши 2006 йил 3 апрель соат 15.00 да жамиятнинг 2005 йил молиявий-ҳўжалик фаолиятига бағишланган акциядорларнинг навбатдаги умумий мажлиси ўтказилишини маълум қилади.

Умумий мажлис жамият маъмурияти биносиде ўтказилади

Умумий мажлис кун тартиби:

1. «Авиасозлар деҳқон бозори» ОАЖнинг 2005 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият директорининг ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2005 йил якуни бўйича молиявий-ҳўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик ҳулосасини тасдиқлаш.
3. 2005 йил якуни бўйича молиявий-ҳўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.

4. Кузатув кенгашининг 2005 йил фаолияти бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш.
5. 2005 йил молиявий-ҳўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият йиллик балансини тасдиқлаш.
6. 2005 йил якуни бўйича соф фойдани тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамода уни бериш тартибини тасдиқлаш.
7. 2006 йилги Бизнес плани (иш режаси)ни тасдиқлаш.
8. Жамият директорининг

- меҳнат шартномасини узайтириш ҳақида.
9. 2006 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
10. 2006 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини белгилаш.
11. Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш ҳақида.
12. Тафтиш комиссияси таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.

Мажлисада қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2006 йил 3 март ҳолатига тузилади. Акциядорлар мажлисга тайёрланган ҳужжатлар билан жамият маъмурият биносиде 2006 йил 20 мартдан танишишлари мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 97-88-98, 191-85-53.
Кузатув кенгаши

Миллат ва маънавият

МУСТАҚИЛЛИК, МАЪНАВИЯТ ВА ДЕМОКРАТИЯ

БЕХАЁЛИК

ДЕМОКРАТИЯ ЭМАС

Яқинда «Евронос» телеканали Фарб мамлакатларининг бирида яланғоч одамлар акс эттирилган асарлар кўргазмаси бўлаётгани ҳақида лавҳа берди. Фарбада бу каби намойишлар бўлиши оддий ҳол эканлигини яхши биламиз. Бизни ҳайрон қолдирган нарсаси бошқа: залда расм томоша қилаётганлар ҳам қип яланғоч эди. Шарҳловчининг гапига қараганда, айнан шу ҳолда мухлислар асарларда акс этган маънони чуқур англаши мумкин экан. Ушбу лавҳани кўриб, беғубор ёшларимизни, боқира қизларимизни, мунис оналаримизни, нуруний отахонларимизни, маънавиятга йўғрилган муқаддас заминимизни қунондай ёпирилиб келаётган бундай таҳдидлардан ҳимоя қилиш ўзини ўзбекистон фуқароси деб билган ҳар бир одамнинг, зиёлининг муқаддас бурчи эканига яна бир бор иқроқ бўлдим.

Бугун ҳеч кимга сир эмас, бундай шахвоний томошалар, зўравонлик, бағритошлик каби иллатларни демократия қиёфасида ўзга юртларга олиб киришдан қўзланган мақсад — бошқа халқлар, айниқса, ёшлар маънавиятини заифлаштириш, уларни миллий қадриятлардан беғоналаштириш, бундан-да дахшатлиси бўйсундириш, тобеларга айлантиришдир.

Маънавий таҳдидлар фақат тарғибот-ташвиқот қилиш билан чегараланмайди. Балки, бу уришлар бошқа-бошқа қиёфаларга кириб, турланиб, тусланавради. Катта-катта маблаглар эвазига фаолият юритадиган, номлари жозибадор ранг-баранг халқро ташкилотлар ҳам хориждаги «ҳомий»ларнинг гоёлари, қолаверса, манфаатларига хизмат қилади. Улар ёшларни тўплаб, турли тадқиқотлар, семинарлар, тренинглар уюштирилади. Мақсад эса ўша-ўша — фарблаштириш. Текин пишлоқ фақат қопқонда бўлади деганларидек, бундай ташкилотларга бекорга маблаг ажратилмайди. Бундай «бекор» ташкилотларни дунёнинг кўпбал мамлакатларида учратиш мумкин. Масалан, «Труд» газетасининг 2006 йил 24 январь сонида Россиядаги кўпбал нодавлат ташкилотлари хориждан молиялаштирилаётгани қайд этилган.

Бундай ташкилот вакиллари фақат тадқиқот билан чекланиб қолмайди, балки олинган маблагларни оқлаш мақсадида маҳаллий аҳолининг миллий қадриятларига таҳдид солишга ҳаракат қилади. Масалан, Матильда Богнер деган хорижий хоним ўтган йил ўзбек халқининг минг йиллик қадрияти ҳисобланадиган маҳалла институтига тўхтаб қилишга уришиб кўрди. Эмишки, маҳалла ўзбек

қизларини кечаси кўчага чиқиши ва аёллар эридан ажралишига монелик қилар эмиш. Бундай қимсалар бизнинг жамоа бўлиб яшашимиздан асабийлашиши асло бежиз эмас. Маҳалла бизнинг бошимизни қовуштириб турган муқаддас кўрган ҳисобланади. Муқтақиллик йилларида бевосита Президентимизнинг ташаббуси билан маҳалланинг мақоми янада муқтақамланди, у ўзини-ўзи бошқаришнинг ёрқин рамзига айланди. Маҳаллада барча тенг, ҳамма иш бамааслаҳат қилинади. Бирон-та одам эътибордан четда қолмайди. «Эксперт»ларнинг асосий мақсади — миллитимизнинг ўзгаги бўлган маҳаллани заифлаштириш, одамларни бир-биридан беғоналаштириш, жамиятимиз эълон қилинди. Муаллиф бизда йўқ ғайринисоний ва ғайритабиий иллатни ўйлаб топди ва шундай дейди: «Сиз шундай нусхалар билан гаплашаридингиз, дўст бўларидингиз деган саволимиз 100 та қиз ва аёллардан 97 таси бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини айтди. Фақат учта аёл шилқимлик қилишмаси гаплашганимиз мумкин, деди. Ҳатто бир аёл кўрсам роса дўпслайман деб, жаҳли чиқди».

Бундай дахшатли дунёқарашларни жамиятимизга йўлатмаслик, оилани муқтақамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашга ҳаммамиз масъулият ва ҳушёрлик билан ёндашимиз зарур.

Мана шундай ишларнинг барчаси, дейиб ўтганимиздек, демократия байроғи остида амалга оширилмоқда. Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, дунёдаги бирон-бир халқнинг демократияни монополиялаштиришига ҳаққи йўқ. Демократия минг йиллар мобайнида ривожланиб келаётган умумбашарий тушунча. Демократия деганда биз барча халқларнинг миллий ва диний қадриятларини ҳурмат қилишни тушунамиз. Демократия дунё халқларининг миллий қадриятларига зид эмас. Демократия байроғи остида бошқа халқларнинг миллий ва диний қадриятларини оёқ-ости қилиш — маънавий тажовуздан бошқа нарсас эмас.

Фарба оддий ҳол бўлиб бораётган бир жинсли оила қуриш каби ҳодисалар бизнинг мўътадил жамиятимизга тўғри келмайди. Ақсинча, уни ларзага солиши мумкин. Шунинг учун ҳам бизга ташқаридан туриб ақл ўргатувчилар керак эмас. Бугун томдан тараша тушгандай пайдо бўлган «ғамхўрлар» кеча, халқимизнинг эрки бўғилиб, бошига оғир синовлар тушган пайтларда қаерда эди? Худоба шукр, матонатли халқимиз 15 йилда асрларга татиғулик тараққиёт йўлини босиб ўтди, минглаб беғуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни бартараф қилди. Ваҳоланки, 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошида собиқ қизил империяда яшаган юз минглаб беғуноҳ одамлар демократияни оломончилиқ, сохта обрў орттириш воситаси деб, калтабин сиёсатдонларнинг қурбони бўлишди. Демократия деган, бирдан қарор топмайдиган, ўта мураккаб жараёни дастаб қилиб, содда одамларни, онги қотмаган шошқалоқ ёшларни кўчага чиқариб, атайлаб тўқнашувлар уюштиришди. Минг шукрки, Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳбарлигида мана шундай фожиаларнинг олди олинди. Одамларнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Халқимизнинг иродасини синдириш каби хомхаёли билан онги захарланган бир ҳовуч ақиданарастлар ва уларнинг орқасида турган кучлар ҳам бир неча бор юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни бузишга ҳаракат қилиб кўрди. Аммо улар ўзларининг ёвуз мақсадларига эриша олмадилар. Чунки, ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмади.

Бизнинг табиатимизда бошқа халқларнинг маънавиятини пахтага уриш, бошқаларни менсимаслик каби туйғулар йўқ. Ақсинча, биз ҳамма билан тенг дўст бўлишга, самимий ҳамкорлик қилишга интиламиз. Дунё халқлари билан адабиёт ва санъат, илм-фан, иқтисод, маънавият ва маърифат соҳаларидаги ҳамкорлигимиз йилдан-йил кенгайиб бораверади. Биз ҳар қандай шароитда ҳам ўзлимизни сақлаб қолдик ва сақлаб қоламиз ҳам. Биз қураётган жамиятда демократия ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлашиб кетади. Юксак маънавият ҳаётимизга алоҳида фойда ато этади.

Президентимиз таъкидлаганларидек, дарҳақиқат, «Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи — халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги, улуг аждодларимиздан авлодларга ўтаётган маънавий мероснинг кучлигида, фуқароларимизнинг эл-юртга, она замибга битмас-туганмас меҳрида, миллий гурунимизда».

Қуддус АЪЗАМОВ, республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари



Қиш охири, келди хабар: Сурхонда бодом гуллади, Ушбу хабардан ғам тўла кўксимдаги жом гуллади.

Олам иморатдир азал, одам иморатдир азал, Бу кўҳна икки уй аро девор билан том гуллади.

Хору хаси зар масканим, эй сен, муаттар масканим,

ХУШХАБАР

Бодомгинам, жону дилим, юртим менинг, кони гулим, Термизда гар томг гуллади, Тошкентда оқшом гуллади.

Келди менинг ойчечагим, балдоқлари бойчечагим, Бўйнидаги холин силаб ёр гулфида дом гуллади.

Бу хушхабарни шеър қилиб айтим югурсам шаҳр аро, Ҳар бир гуландом гуллади, Ҳар бир дилором гуллади.

Сирожиддин САЙИД

БАҲОРИЙ УЧРАШУВЛАР



Яқинда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастури ижросини таъминлаш мақсадида 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунидан Тошкент шаҳар аёллар кенгаши, Тошкент шаҳри, Тошкент ҳамда Сирдарё вилоятларининг диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари, ибратли оила соҳибалари, хотин-қизлар кенгаши раислари учун Самарқанд шаҳрига зиёрат ташкил этилди.

Аждодларимиз хотирасини эъзозлаш, уларга ҳурмат бажо келтириш, она-Ватанимиз куч-қудрати ва салоҳиятини, миллий истиқлолимизни авайлаб-асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини эътироф этиш ушбу сафардан кўзланган асосий мақсаддир. Қолаверса, бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётган, эл-юрт ардоғидаги хотин-қизлар, дилбар аёллар, онахонларимиз

учун баҳор остонасида, яшариш ва гўзаллик айёми арафасида бундай тадбирнинг ташкил этилиши ўзига хос аҳамиятга эга. Зотан, аёл баҳор билан гўзал, баҳорий гўзаллик аёлларга ҳосдир.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАК ҳомийлиги билан 250 нафар хотин-қизлар ҳамда Маданият ва спорт ишлари бошқармалари меҳмонлар билан

ажойиб учрашувларни ташкил этишди. Мазкур тадбир барча иштирокчиларда бир олам таассурот қолдирди.

Ханифа ЗОКИРОВА, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ахборот-матбуот маркази бошлиги

Суратларда: зиёрат тадбирларидан лавҳалар.

Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар



ЧЕМПИОНЛАРГА ҲАВАС ҚИЛИБ...

Пойтахтимиздаги республика Олимпия захиралари спорт коллежда эркин кураш бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида республика биринчилиги бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 150 нафардан ортиқ ўғил-қиз қолиблик учун гиламга чиқди.

Мусобақалар саккиз вазн тоифаси бўйича уюштирилди. Қуйидаги вазн тоифалари бўйича қолиблар аниқланди: **Ўсмирлар:** Азиз Баҳромов (50 кг., Бухоро), Анавар Домлажонов (55 кг., Тошкент), Мансур Фармонов (60 кг.), Абдурауф Бозоров (66 кг., иккаласи ҳам Тошкент вилоятидан), Рустамжон Раҳимов (74 кг., РОЗСК), Озод Ўшатов (84 кг., Қорақалпоғистон), Соҳиб Маҳмудов (96 кг., Самарқанд), Асрор Ўшимов (120 кг., РОЗСК). **Қизлар:** Лилия Шокирова (43 кг., Тошкент), Юлдуз Собирова (46 кг., РОЗСК), Нуржамол Сатбаева (50 кг.), Дилнур Ортиқбоева (54 кг., иккаласи ҳам Қорақалпоғистондан), Саломат Кўчимова (58 кг.), Матлуба Бўронова (63 кг., иккиси ҳам Самарқанддан), Лариса Сейлхонова (68 кг., Тошкент), Айнура Желаква (72 кг., Қорақалпоғистон).

Ўзбекистон биринчилиги баҳслари мамлакатимизда иқтидорли эркин курашчилар вояга етаётганлигини кўрсатди, — дейди Ўзбекистон эркин кураш бўйича терма жамоа боши мураббийи Маъмур Рўзиов. — Мамлакатимиз спортчиларининг қиъа, жаҳон ва олимпикада бахсларида ғалаба қозонаётганлигини бугун барча кўриб, билиб турибди. Келгусида биз республика биринчилиги қолиблари билан махсус ўқув-йиғин машғулотларини ташкил этишни режалаштирганмиз. Ажаб эмас, улар орасидан эркин кураш бўйича олимпикада чемпионлари этилиб чиқса...

Эркин ХОЛБОБО

ТУЗАТИШ «Ўзбекистон овози» газетасининг 23 февраль сонида «Қолган ишга ёғатган қор» сарлавҳали мақоладаги «...суд қарорларини ижро этиш Департаментининг Амударё тумани бўлими» жумласи «...суд қарорларини ижро этиш Департаментининг Беруний тумани бўлими» деб ўхсисан.

Спорт

ЖАМОА САРДОРИ ҲАҚИДА МИШ-МИШЛАР



Европа оммавий ахборот воситаларида қизиқ гап тарқалди. Гўёки, Германия терма жамоасининг сардори, мохир

футболчи Михаэль Баллак «Челси» клуби билан шартномага имзо чеккан эмиш. Лекин бундай шов-шувга қарши чиққан футболчи барча бемаза ахборотларга барҳам бериш лозимлигини таъкидлаб: «Мен ҳеч қандай «Челси» билан шартнома имзолаганим йўқ. Яқин ўртада Лондонда ҳам бўлган эмасман», деди. Футболчининг агенти Михаэль

Беккер ҳам ўзига хос фикрларни билдирмоқда: «Баллак ҳеч қандай шартномага имзо чекмаган. Умуман, бундай шов-шувлар кишини чарчатади». Қизиги шундаки, оммавий ахборот воситалари хатто ўзи йўқ шартнома орқали Баллак қанча маблаг ишлаши мумкинлигини ҳам баҳорат қилишган. Баллак оз эмас, кўп эмас 25 миллион

фунт стерлинг ишлаб олиши ёки ҳафтага 200 минг доллардан топиши мумкин эмиш. Эслатамиз, бу футболчи Мюнхеннинг «Бавария» клубида узок йиллардан бери тўп суриб келмоқда. Унинг шартномаси шу йилнинг ёзида тугайди. Балки, шунинг учун Европа клублари мохир футболчи «илмоқ» ташлаётгандир.

ЧИПТАЛАР ҚОЛМАДИ

IBF йўналиши бўйича жаҳон чемпиони номини олиш учун оғир вазнли Владимир Кличко билан Крис Берд ўртасида ўтказиладиган жангга жами 14 мингта чипта сотилиши кўзда тутилган. Учрашув эса Германиянинг Маннхейм шаҳрида бўлади. Қизиги шундаки, қарийб икки ой олдин мазкур учрашувга мўлжалланган чипталар сотиб бўлинган. Американинг НВО телевидион канали бокс учрашувини бевосита олиб кўрсатишга тайёрланмоқда. «Жанг олдиндан бундай ўзига хос тайёргарлик ва қизиқш менимча, Крис билан менинг нафақат АҚШда, балки дунёда анча танилиши эканлигимиздан далолат беради», дейди Владимир Берд амалдаги чемпиони бўлса, Кличко шу унвонга даъвогар саналади ва бу учрашув шу йил 22 апрель кун бўлиб ўтади. Эслатамиз, улар 2000 йилнинг октябрида Кельн шаҳрида учрашган ва ўшанда украиналик боксчининг кўли бандан келган.

«РЕАЛ» РАҲБАРИ ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

Машҳур «Реал» футбол клубининг президенти Флорентино Переснинг қўлидан истеъфога чиқиши муҳлису мутахассисларни ҳайратда қолдирди. У директорлар кенгаши мажлисида ана шу ҳақда маълумот берган. Перес «Реал»га 2000 йили келган эди. Унинг келиши билан жамоада катта қўтарилиш юз берган. У жамоага Луиш Фигу, Зинедин Зидан, Роналд, Дэвид Бекхэм Майкл Оуэн, Робиньо каби мохир футболчиларни жалб этиб, Испания чемпионатида икки марта ғалаба қозонишга, чемпионлар лигаси қолиб ҳамда Европа супер кубоғи ва қиъпалараро кубок соҳиби бўлишга эришган.

Ўзбекистон ХДП МК Ижроия кўмитаси хайъати Ўзбекистон халқ шоири **Ҳабиб САЪДУЛЛА** вафот этганлиги муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

«ЭКОСАН» АВТОПЕОЗДИ — ЧИНОЗДА

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти Тошкент вилояти Чиноз туманида экологик ҳаётга ўтказиш мақсадида туманининг марказий шифохонаси ҳамда кам таъминланган оилаларга, қарияларга ва кўп болалик оилаларга ёрдам кўрсатиш учун 2,5 млн. сўмлик инсонпарварлик юклари орттилган «ЭКОСАН» автопоездини ташкил этди.

Бундан кўзланган мақсад: «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида белгиланган Оролбўйи минтақасига ва экологик аҳоли мураккаб бўлган бошқа худудларга мурувват юклари билан «ЭКОСАН» саломатлик поездлари ва автопоездларини жўнатиш, атроф-муҳит ва инсон саломатлигини муҳофаза қилишга йўналтирилган тадбирларни амалга оширишдир.

Бордамбек САЪДУЛЛАЕВ

Table with multiple sections: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHRIR HAY'ATI: Abdulla OROPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Farruh HAMROYEV; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI; BO'LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot; VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda; MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.